



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 18 август № 170 (3445) • Чоршанба



## Мустиқиллик иншоотлари

### «ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛАНИШ ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРАЯПТИ...»

— дейди Шахрисабзга йўл олган хорижлик сайёҳ

Ижодий сафар билан Қашқадарёга кетаётган-дим. Аэропортда учта хорижлик сайёҳ инглиз тилида нималар ҳақидади баҳслашгани диққатимни тортди. Хавфсизлик назоратидан ўтган, улар суҳбатига қўшилдим. Ҳамроҳларим АКШнинг Калифорния штатидан экан. Уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдим. Чет элликнинг юртимиз ҳақида билдирган илиқ фикрларини эшитиш ҳар бир одамда ифтихор туйғусини уйғотиши табиий.

Хорижликлардан икитаси биринчи бор ташриф буорган бўлса, ўзини Эрик деб таништиргани юртимизга учинчи бор келибди.

— Қашқадарё менинг иккинчи уйим бўлиб қолган. Хар йили ёзда меҳнат тўғилига чиксам, шу ерга ошмаман, — дейди у. — Нега дейсизми? Юртингиз жаннатмакан. Бошқаларга қандай билмадим-у, менга шундай туюлади. Табиати чиройли. Транспорт, меҳмонхона, маиший хизматлар, бир сўз билан айтганда, ҳамма нарса арзон. Айниқса, деҳқончилик маҳсулотларини айтмайсизми? Бозорлари тўлиб-тошган.

— Олдин ҳам келган экансиз. Утган бир йил ичи-

да Ўзбекистонда рўй берган қандай ўзгаришларни кўрдизми?

— Мени бир нарса хайратга солади, — дейди Эрик. — Сизларда бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратиларкан. Кўп давлатларда бўлганман. Лекин сизлардагидек қурилишга катта эътибор берилган мамлакатни учратмадим. Мисол учун, бундан икки йил олдин мана шу аэропорт умуман бошқача кўринишда эди. Қаранг, замонавий қилиб таъмирдан чиқарилибди. Дунёнинг манамен деган давлатларидаги аэропортлардан қолишмайди. Токиодаги сингари Тошкентда ҳам чиройли ойналарга ўралган баланд-баланд бинолар кўпайиб бораёпти. Йўллар ҳам раван. Муҳташам кўприклар қуришда, менимча, ўзбеклар бир мактаб яратди.

— Фақат Тошкентда шундай ўзгаришларни сездизми?

— Йўғ-а, ўтган йили Шахрисабз, Китобда бўлганда мажмуа тарзида тикланаётган муҳташам биноларни кўрганман. Дастлаб мен хорижий компаниялар бу ерга келиб, ўз филиалларини очишаётгандир, деб ўйлагандим.



(Давоми 2-бетда).



## Хабарлар оқимидан

**«Челенжер» Самарқандга**  
САМАРҚАНД (ЎЗА МУХБИРИ АҚБАР ҚАРИШЕВ). Самарқандда АТР таснифидаги анъанавий «Челенжер» халқаро турнири бошланди. Мукофот жамғармаси 25 минг АКШ долларига тенг ушбу мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан ракетка усталари иштирок этмоқда. Улар орасида В.Кученко ва О.Огородов каби юрдошларимиз ҳам бор.

Мусобақалар 21 августга қадар давом этади.

**«Соғлом бола» ҳафталиги**  
НУКУС (ЎЗА МУХБИРИ А.ОРТИҚБОЕВ). Оролбўйида «Соғлом бола» ҳафталиги бошланди. Ҳафталик мобайнида Қорақалпоғистондаги барча поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида беш ёшгача бўлган болаларда тиббий куриқдан ўтказилиб, муолажа қилинади.

— Ҳафталик «Она ва бола» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳанинг тўртинчи босқичидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош педиатри Дилором Ахмедова. — Жойларда мониторинг ўтказилиб, лойиҳанинг қандай самара бераётгани синчиқлаб ўрганилмоқда. Шунингдек, тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилинапти.

## Ҳамкорликда ҳикмат бор

Бутун инсониятнинг душмани бўлиб терроризмга қарши курашиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи. Огоҳлик — ҳар биринининг вазифамиз. Лоқайдлик, бепарволик, «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутиш барчамизга ёт бўлиши керак. Хива, Ҳазорасп туманлари, Урганч шаҳри фаолларининг йиғилишларида ана шу масалалар кун тартибига қўйилди. Йиғилишларда огоҳлик борасида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Терроризмнинг авж олишида омил бўладиган гиёҳвандликка қарши ҳамжиҳатликда ку-

раш олиб бориш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, огоҳликка даъват этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, нуқсонларга барҳам бериш борасида қилиниши керак бўлган вазифаларга яна бир бор ойдинлик киритилди. Бу фақат хукук-тартибот идоралари ходимларининг вазифаси бўлмай, ушбу йўналишда бутун жамоатчилик ҳамкорлиқда иш олиб бориши лозимлиги таъкидланди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Ф.АРЗИЕВ).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси До Мин Куй бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида бўлди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасида маданий-маърифий соҳа-

## Вьетнам делегациясининг ташрифи

лардаги алоқаларни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

«Ўзбекистон-Вьетнам» ва «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаятгани қайд этилди.

Мазкур икки жамият ўртасидаги ҳамкорликка оид битим имзоланди. Ҳужжатга «Ўзбекистон-Вьетнам» дўстлик жамияти раиси Турсунали Қўзиёев ҳамда «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамияти раиси До Мин Куй имзо чекиди.

## Янги нефть омбори

ФАРҒОНА (ЎЗА МУХБИРИ, И.ҲАЛИМБЕКОВ). Қўқон марказидаги нефть омбори шахарнинг кенгайиши тўғили саратон кўприк остида қолиб кетганди. Бу техноген вазиятлар хавфини ошириш билан бирга экологик муҳитга ҳам жиддий таъсир кўрсата бошлаган эди.

Ватанимиз мустиқиллигининг ўн уч йиллиги арафасида шахар ташқарисида, Данғара туманида омбор учун янги иншоот қуриб битказилди. Янги омбор аввалгисидан икки баравар катта — бир вақтинг ўзида маҳсулотни олти цистернага бўшашиш ва 16 автоцистернага қўйиш мумкин.

Янги нефть омборининг очилишида Фарғона вилояти ҳокими А.Оттабоев иштирок этди.

# БУ ЙИЛ АЛДАНИБ ҚОЛМАЙСИЗМИ?

— Пахтанинг ўзи енгил бўлгани билан меҳнати оғир эканини кўпчилик яқши билади, — дейди кекса пахтакор Холжўра ота Фозиев. — Асл деҳқон жавзада тўпроқ қовлайди, саратонда гўзани сувга қондиради, асад ойига келиб, уни ясатади. Белга уриб турган экиннинг кўкига алданмайди. Эртаю кеч гўза оралаб, талабига қулоқ солади. Ушандагина мўлжалдаги ҳосилни олади. Йўқса...

олинди. Унинг 11,5 фоизи, яъни 2047 тоннаси бешинчи, 430 тоннаси тўртинчи сорта топширилди. Натижада тола чиқиси 30,9 фоиздан ошмади.

Айрим хўжаликларда ҳатто

лиги бош пудратчиси Авазбек Деҳқонов тасарруфидаги даладамиз. Утган йили бу жамоада пахта таяёрлаш бўйича давлат буюртмаси 61 фоизда қолиб кетган экан. 44 гектар майдонга

## Бетга айтганинг захри йўқ

бундан ҳам паст натижаларга эришилди. Айтайлик, 4187 гектар майдонга уруғ қадаган «Навбахор» ширкат хўжалигида ҳосилдорлик 20,3, 334 гектар ерда деҳқончилик қилган «Наврўз» ширкат хўжалигида 24 центнерни ташкил этади. Ачинарлики, «Навбахор»ликлар 1 гектар ерда пахта етиштириш учун 401,3 минг сўм харажат қилиб, 411 минг сўм даромад олдилар. Бошқача айтганда, соф фойда ўн минг сўмга ҳам етмади.

Хўш, бу йил асақликлар гўза парвариши билан боғлиқ дала юмушларини қай даражада ташкил этмоқдалар? Вилоятда зарбдор 40 кунлик эълон қилинганидан кейин қандай ўзгаришлар бўлди?

Биз «Навбахор» ширкат хўжа-

бада тегади. Қарабсизки, қўсақ тез етилади, пахта тез пишди. Чигит тўлади. Хар туп гўза ўз юқини қоплайдиган даражада ҳосил йиғади, — деган эди у.

Бу ерда-чи? Қўлтиватори ҳам, одамларни ҳам учратмадик.

Бўлиқ пахтакорлар ҳам бултур режани бажаролмай, ер чизиб қолган эдилар. Бунинг сабаблари атрофича таҳлил қилинса, аввало, гўза қўкига махлиё бўлиб қолгани, экин ҳосил тўплайдиган саратон ва асадда одамлар пайкал ораламагани ойдинлашади. Устига устак, шона кўсақка айланаётган бир паллада экин сувдан қолди. Қўлаб майдонларга ўргимчаккана ҳамда қўсақ курти тушди.



(Давоми 2-бетда).

## Тадбир Бўлажак сайлов олдиған

Кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли давлат кутубхонасида сайлов қонунчилигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Кутубхона ходимлари, аъзолари ҳамда китобхонлар иштирок этган ушбу тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази директори, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов маъруза қилди. У икки палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловлар халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши, қуйи ва юқори палата ваколатлари, сайлов ўқатқалари ва сайлов округлари тузиш тартиби ҳақида алоҳида тўхтади.

Йиғилишда сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, илк бор шаклланаётган икки палатали парламентнинг ўзига хос жиҳатлари, сайловчиларнинг ҳуқуқларига эътибор қаратилди. Шунингдек, бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари, сайлов жараёнида ошқоралик ва очкикликни таъминлаш масалалари хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Ўз мухбиримиз.

## Мусобақалар қизғин паллада

XXVIII ёшги Олимпия ўйинларида 202 мамлакат спортчилари сафида юртимиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этмоқдалар. Хусусан, катта ишонч билдирилаётган боксчиларимизнинг илк натижалари уларга бўлган қизиқишни янада кучайтирди.



Дастлабки ўйинда, «чарм қўлқоп» усталаридан Ўткирбек Ҳайдаров нигериялик Исаак Некрони мағлубиятга учратган бўлса, Шерзод Абдурахмонов туркиялик Сердар Устунер устидан ғалаба қозонди. Ёш ва умидли боксчимиз Шерзод Хусановнинг венесуэлалик Прада Жон Карюс устидан зафар кучиши муҳлисларни қувонтирди. Негаки, тўрт раундлик «жанг»да боксчимиз рақибини уч марта кулатган бўлса-да, жангни бошқараётган рефери бу зарбаларга унчалик «аҳами-

ят» бермади. Аммо шунга қарамай, Шерзод тўлиқ устунлик билан кейинги босқич масаласини ҳал қилди.

Юртимиз олимпиячилари, шунингдек, спортнинг стол тенниси, велоспорт, бадий гимнастика, сузиш, дзюдо, ўқ отиш турлари бўйича беллашувларни дадил бошлашди. Академик эшак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурузалиев ҳамда Сергей Богданов биринчи босқичдан муваффақиятли ўтишди.

Мақсуд МИРЗО, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: Олимпия ўйинларида боксчимиз Бекзод Хидиров покстонлик рақиб Аҳмад Суҳайл устидан учрашувнинг иккинчи раундида ғалаба қозонди.

А. ИЛЬЯСОВ олган сурат. «Жаҳон» АА мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йил баҳорида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўп-рувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланган 15 нафар шахс устидан бошланган суд жараёни бир неча кунлик таънаффусдан сўнг яна давом этаётти. Суд жараёнига Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.


Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Қазакбаев, М.Мирзакулов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, А.Зулпикаров, Қ.Сохоталиев, Ж.Нигматов, Ё.Умаров, Х.Ишма- тов, У.Ҳамроев, Е.Асла- тов, К.Қаюмова, И.Тош- пўлатова, Қ.Тўйчиев дастлабки тергов органлари томонидан оғирлашти- рувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний

экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эғаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Қайта иш бошланган суд мажлисининг биринчи куни йигирмадан зиёд жабрланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар вакиллари жиноят иши юзасидан кўрғазма берди. Айбланувчилар аъзо бўлган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган ёвузликлар ва уларнинг оқибати хусусида сўзлаб беришди.

Очик қўрилаётган суд жараёнида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий журналист, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

(ЎЗА).



Олий Мажлисининг XV сессияси олдидан

Эл соғлиғи қонун ҳимоясида

Сессиядан сессиягача бўлган давр Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари учун ўзинга хос синов палласи ҳисобланади...

— Биз навбатдаги сессия кун тартибига киритилган "Экспорт назорати тўғрисида"ги, "Жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги...

Урганишлардан маълум бўлишича, Наманган вилоятида фуқаролар соғлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилган...

Тахлилларнинг кўрсатишича, олиб борилган ижобий ишлар билан бирга, муайян камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳам аниқланди...

М. Сафаванинг айтишича, урганиш натижалари Наманган вилоятининг ўзида маъмуриятнинг барча катта-кичик раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида муҳофаза қилинган...

Кўмита томонидан «Меҳрибонлик уйлари»ни битирганларнинг мустақил ҳаётида ўз ўрнини топишда жамоатчиликнинг роли, шунингдек, «Экосан» халқаро жағмағмаси, Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари билан биргаликда ўтказилган «Қонунчилик, маданият ва атроф-муҳит» мавзуларидаги анжуманлар фуқароларнинг қўмиталарга нисбатан ишончини мустаҳкамлади...

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



қўв хоналари, спорт иншоотлари, охириги рўсумдаги компьютерлар... Ҳа, Ўзбекистон тез суръатлар билан янгилашиб, ривожланиб бораёпти...

кази томон йўл оларканман, чиндан ҳам, Қарши шаҳрининг улкан қурилишлар майдонига айланиб бораётганини ҳис қилдим...

Бугун ҳар бир фуқаро мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни кўриб, сезиб, ҳис қилиб турибди. Кейинроқ менга ҳамроҳлик қилган иншоот бош технолоғи Мусурмон Раҳимов батафсил маълумотлар берди...



«ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛАНИШ ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРАЯПТИ...»



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кейинчалик қизиқиб қилсам, булар коллежлар экан. Атай бориб кўрдим. Талабалар учун ҳамма шароитлар яратилган. Кенг, ёруғ, янги хозлар билан таъминланган...

недкорлик ишларини кўриб, миллатингиз боболарингиз аънаналари давомчилиги эканлигини исботлаётганига яна бир бор, амин бўлдим.

стадион ҳам бўлармиш. Эгзи, қишки босейнлар ҳам. Хали бунақаси Қарши шаҳрида бўлмаган, — дея фахр билан гапирди шофер.


Қўшиқ байрами якунланди

Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика танлови якунланди. Пойтахтимиздаги «Халқлар Дўстлиги» саройида маъруза танлов қўшиқлари бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган маъруза танлов юрtdошларимиз, айниқса, ёшлар қалбига она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, фидойилик, истиқлолни асраб-авайлаш каби эзгу ғояларни синдиришдек хайрли мақсадларга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Яъни аънанга айланган ушбу танловда юрtdошларимизнинг катта кичик бадий жамоалари, хаваскорлик гуруҳлари, хонандо соҳналар билан бирга ёш истеъодлар ҳам фаол қатнашмоқда. Кўрик-танлов ёш иктидор соҳибларини катта саҳнага олиб чиқиш, маҳоратини намойиш қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри, Маданият ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларидан дастлабки босқичларда голиб чиққан иштирокчи ва жамоалар ўз санъатини намойиш этди.



вазирлиги), Тошкент давлат педагогика университети бадий музыка жанрлари ижросидаги Анор Назаров мусикаси, Анвар Обиджон шери билан айтилувчи «Гулгун Ватан» кўшиғи (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги), пойтахтимиздаги Акмал Икромов тумани маданият уйининг «Умо» ашула ва рақс дастаси ижросидаги Юнус Ражабий мусикаси, Нуриддин Аминжон шери билан айтилувчи «Ешлик ёр-ёри» кўшиғи иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Навоийлик Шерзод Давронов ижросидаги Дони Илёсов мусикаси, Сирожиддин Саййид шери билан айтилувчи «Эгаси бор бу юртинг» кўшиғи, республика қўшувчилар саройининг «Камалак» гуруҳи ижросидаги Зокир Отабеков мусикаси, Нормурод Нарзуллаев шери билан айтилувчи «Мен гунчаман» кўшиғи (Халқ таълими вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Куроли Қўлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Шўҳрат Дадажонов ижросидаги Ш. Давронов мусикаси, Анвар Обиджон шери билан айтилувчи «Халқим» кўшиғига учинчи ўрин берилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

БУ ЙИЛ АЛДАНИБ ҚОЛМАЙСИЗМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўғри, ҳашаротларга қарши курашилди. Лекин бу юмуш кеч бажарилди. Оқибатда икки минг гектардан ортқ ердаги экин қаттиқ зарарланди. Анкироғи, жами ҳоҳилнинг ўттиз фоизи зараркундаларга ем бўлди. Қолаверса, терим кеч кузга қадар чўзилди-ю, йиллик режа 68 фоиз уддаланди, ҳолос. 14 минг 503 тонна пахтанинг 2000 тоннадан кўпроғи бешинчи сортга топирилди.

— Бу йил ерга уруғ тушгандан бошлаб даладан оёғимизни узаямиз, — дейди туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Солижон ака Ёқубов. — Фойдала ҳашаротларни етказиб берадиган 11 та лаборатория қаторига 250 нафар хотин-қиз билан шартнома тузиб, уларга зараркундаларга қарши биологик усулда кураш олиб бориш юзасидан тушунчалар бердик.

«Янги ҳаёт» Бобур номили, Жалолов номили ширкат ҳўжалиқлари экин майдонларининг бир қисмига бу йил ҳам ўргимчаккана тушганини инкор этмайлари. Бироқ унга қарши вақтида курашилгани тўғрисида ҳисоб сақлаб қолиндим. Солижон ака бизни Шодмон номили ширкат ҳўжалиғи даладларини қўришга тақлиф этди. Еш бунд пудратчи Анваржон Низомов гўза оралаб юрган экан. 56 гектар ердаги ҳосил чўғи кўзни қувонтирди. Кам деганда, 17-20 тадан бўлиқ қўсақдан шўхлар ларзон. Ҳатто экиннинг оқил қисмидаги 5-6 қўсақ очилган, яна шўнчаси «тиш ёрибди».

— Икки кун бўлди, экинни сувдан тортиқ, мабодо, чангағудай бўлса, енгил суғорамиз, — дейди Анваржон. — Ҳозирча ҳаммаюз гўза оралаймиз.

Экинни шамоллатмасак бўлмайди. Нега деганда, гўзанинг пасти қисмидаги эрта очилган пахта зах тортиб қораяди. Ҳўртадаги қўсақлар димланиб, пахта сифати бузилади. Шу жараёнда уна-мунча учраган бегона ўтчи ҳам юлиб ташлабляймиз.

— Теримни қачон бошламоқчиёсизлар? — Ававал дефолиация қилиб олайлик. Бунинг учун махсус ўралар тайёрладиқ. Ававаллари беш-олти қўсақ очилиши биланроқ, теримга тушиб кетардик. Мана шу шўша-шўшорлик, хайбаркалчалчилик бултўр панд бергани ҳали эсимиздан чиққан йўқ. Ахир, пахта очилгани билан чигит пишиб етилмайди-да. Мағзи тўқ бўлмаган чигит қандай қилиб тош боссин, ўсимлик ёғи, кўнжара берсин? Келаси йил учун уруғлик жағмарини масаласи нима бўлади?

Бу мавсумда эса бошқача бўлади, деган умиддамиз. Пахтанинг тўксон фоизи очилган, белга этак боғламоқчимиз.

Ана, сизга деҳқон мулоҳазаси! У нима қилиб бўлса-да, биринчилардан бўлиб маррага етишни, ўзини кўрсатишни ўйламаяпти. Аксинча, мўл ва сифатли ҳосил олиш, ундан келадиган даромад ҳақида бош қотиряпти. 659 гектар майдонда хирмонга барака бир ритадиган даражада пахта етиштирилган бу ширкат ҳўжалиғида Анваржонга ўхшаш деҳқонлар кўп.

Афсуски, ҳамма жўйда ҳам шу кена-қундузга ишлар дўндирилмоқда, деб айта олмаймиз. Масалан, Бобур номили ширкат ҳўжалиғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Абдусаттор ота» фермер ҳўжалиғини олиб кўрайлик. Гўза ўш мўдатда чеканга қилинмаганлиги оқибатда гўвалб кетган. Ҳар ўш тўп гўзари ўргимчакканадан тўқари 1-2 тадан қўсақ қурти учрайди.

казилди. Бири Фузор туманида, яна бири Қамати туманидаги Чим қишлоғида фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бирида беш минг ўринли стадион, ёпиқ спорт зали, кураш заллари, баскетбол, теннис, стол тенниси, гимнастика заллари мавжуд.

Вилоятда 2004 йилда капитал қурилиш соҳасида барча молиялаштириш манбалари бўйича 300 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Жорий йилнинг ярим йиллигиде 150 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Қорхона ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 8 та қишлоқ врачлик пункти қурилиши тўлиқ якунланди.

Кўриб турганингиздек, мамлакатимизнинг ҳар бир қишлоғи, шаҳри бугун улкан қурилиш майдонига айланган. Эски қордоворлар ўрнида янги, замонавий бинолар қад ростламоқда. Коллежлар ва спорт мажмуалари қурилиши учун миллиард сўмлик маблағлар ажратилмоқда. Буларнинг барчаси истиқлол тўғрисидаги экиннинг ҳаммаюз яъши биламиз, ангаймиз. Қолаверса, юртда тинчлик-осойишталик ҳўжумрон экан, мана шундай ўзгаришлар, бунёдкорликлар давом эттавериши аниқ.

Юнус БЎРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ОСОЙИШТАЛИК — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Маълумки, жиноятчиликка қарши кураш, ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилаларда бўлиб турадиган низоларни бартараф эттиш, тарбияси оғир бўлган, вояга етмаган усмирлар билан иш олиб боришда профилактика инспектори, маҳалла посбонлари, фуқаролар йиғини раислари, яраштирув комиссияси аъзоларининг ўрни бўлақча. Ана шундай гўшалардан бири Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номили маҳалладир. Маҳалладаги инсонларнинг тотувлигини, бу ердаги осойишталиқни, саришталлиқни кўриб, кўзинг қунайдми. Биз бу ерга кеч соат 22 ларда бордик. Вақт кеч бўлишига қарамастан, маҳалла гузарига одамлар гавжум. Профилактика инспектори ва маҳалла оқосколи Собир ака Комиллов тунги гуруҳ аъзоларига навбатдаги қилинадиган ишлар бўйича йўриқнома беришайтган экан.

Обод маҳаллалар билан бирга, умуман эътиборсиз ҳолда ташлаб қўйилган маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, ахлат чиқиндилари билан тўлган кўчалар ҳам учрайдики, улар кишини ташвишга солади. Масалан, Мирзо Улўғбек туманидаги Иброҳим Мўминов кўчасида жойлашган «Кавитлар» маҳалласидаги 5, 7-кўчаларда уйлар атрофи аҳоли томонидан чиқиндилар билан тўндириб ташланган.

Огоҳлик — аҳилликда

бузарликлар содир этилаётганлигини тунги гуруҳ аъзолари билан таҳлил қилдик. Булардан, туманининг «Фаргона йўли» кўчасидаги 9-уй, 36-хонадонга ташир бу-юрганимизда, бу ерда республикамизнинг турли вилоятларидан келиб, мардикорчилик билан кун чеираётган, «Кўйлик» бозориде савдо-сотиқ билан шўғулланаётган 15 нафар фуқаро паспорт қондаларини бузган ҳолда, вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаётганлиги аниқланди. Бу ерда яшаётган фуқаролар хатто хонандо эгаси қилмигини ҳам айтиб беришга олмади. Бундай ҳолат ушбу уй билан ёнма-ён жойлашган 1-«А» уйда ҳам мавжудлиги аниқланди. Шу ўринда ҳақиқат тўғрисида: ҳўш, бу ердаги маҳалла фуқаролар йиғини, фаоллар ушбу ҳолатдан наҳоти бебаҳар бўлсалар? Узини, ўз ўйини, ўз юртини асрашга масъул бўлган

ларнинг ертўпалари эшиклари қўлланмаганлиги аниқланди. Бўлиб ўтган воқеалардан тегишли соҳа ходимлари ўзларига ҳулоса чиқармаганлар шекилли.

Шу билан бир қаторда, 15-«А» уйнинг 56-хонадон бугунлай ташлан-диқ ҳолатдалиги, бу каровсиз уйда номаълум шахслар яшаётганлиги аниқланди.

Акмал Икромов туманидаги «Катта қаъни» маҳалласи, «Фозил тепа» кўчаси, 2-уйда яшовчи Юсуфпеша Ҳакимбеков хонадонидеги қурилиш ишларига мардикор сифатида Қашқадарь вилояти Қамати туманида яшовчи Абдурахим Абдулазизов 3 нафар ўспирин ҳамжиқлиги билан вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаб, ишлаётганлиги аниқланди.

Огоҳлик, ҳўшёрлик, ўзини ва ўзгаларининг ҳаётини асраш, фуқаролар-

нинг ҳўқуқий билимларини ошириш, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш ҳозирги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чўнки ҳалқимизнинг тинч-тотув, фаровон ҳаётини кўра олмайдиган, фақатгина ўз шахсиятини ўйлаб, гаразли ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилаётган турли диний-экстремистик оқимларга мансуб террорчи гуруҳлар осуда ҳаёти-ла, яратувчанлиги фаолиятимизни издан чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Лекин, минг бора афсуслар бўлсинки, айрим фуқароларимиз бунга етарли эътибор беришайтлар.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, икки ишлар идораларининг тегишли соҳалари ходимлари юрtdошимизда тинчлик, кўчаларимизда осойишталик, хонандоларимизда осудалик бўлиши учун бор куч ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Ўз ўрнида тинчликсевар халқимиз ҳам осойишталик посбонларига ҳар томонлама кўмаклашиб, улар билан ҳамкорликда, ҳамжиқатликда иш олиб боришлари керак. Зеро, «Шу юрт фарзан-димиан, шу юрт посбонимиан» деган ҳар бир инсоннинг мақсади бетта: у ҳам бўлса, тинчлик ва осойишталикдир.

Абдуҷаббор АБДУНАБИЕВ, ИИБ Ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

Ағиблар шахматда беллашдилар

Тошкент вилоятининг Ёлтоғлик туманида ўзбек ағибларининг «Ўзучи» оила боғи жойлашган. Бу ерда ҳар йили Ўзучи ва ширлар ўртасида шахмат бўйича мусобақалар ўтказиб аънанга айланган. Жорий йили мусобақалар мамлакатимиз иштирокчилари 13 йилгиса ҳамда юрtdошимиз Рустам Қосимжоннинг шахмат бўйича жаҳон чемпионидаги буюк галабасида бағишланди. Турнирда ўрта Ўзбекистон Қарамони — Саид Акмал, Овд Шарофидинов ва Эркин Воҳидов иштирок этиши ҳам мусобақа нуфузини оширди.



Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоннинг Германиядан таъриқ телеграммалари жўнатгани эса турнир иштирокчиларига кўтаринчи руҳ бағишлади. Шўнине учун ҳам беллашулар қизғин ва мурасасиз ўтди. Унда Эркин Воҳидов барча рақибларини мағлуб этиб, биринчи ўринни эъланди. Иккинчи ўрин Ўзучи Хўрид Дўстмухаммадга тақдим этилди. Атоқли адабиятшинос олим Овд Шарофидинов эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Ҳазиллар ҳўмлар томониде таъриқ этилган қилмағубо сўвгалар топширилди.

Одилжон ШОДИОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ўз мухбиримиз.

Ислохот ва самара

Банк тизимини ривожлантириш ҳар бир мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис республикамизда мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Молия-кредит тизимини тўла ислоҳ қилиш, унинг бозор муносабатларига мос ривожини таъминлаш, тижорат банкларини шакллантириш асосида иқтисодиётни барқарорлаштириш, миллий валютани қадрини ошириш ва ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш асосий мақсад этиб белгиланди.

Шу билан бирга, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан истиқлолнинг илк давридан бошлаб иқтисодий мустақилликка, шу жумладан, галла мустақиллигига эришиш устувор вазифалардан бири қилиб қўйилди.



Европа Маркетинг тадқиқотлар маркази (EMRC) томонидан банк қишлоқ хўжалиқ соҳасини молиялаштиришда эришган ютуқлари учун "Агробизнес - 2003" танловининг махсус мукофоти билан тақдирланди.

сусий фирмасига, Тошкент шаҳрида импорт ўринини босувчи молик сочқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида "Фараз-ЛТД" қўшма корхонасига берилган имтиёзли кредитлар шулар жумласидандир. Эътиборли жиҳати шундаки, банк микрокредитлаш ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида уларга ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурслар, жумладан, бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларини ҳам йўналтирмақда.

Айниқса, "Галлабанк"нинг бозор шариоғига жавоб берадиган мулкчиликнинг янги шакллари, яъни фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожига қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Жойларда мазкур соҳага самарали молиявий хизмат кўрсатаётган 55 та минин банк ташкил этилган. 2004 йилнинг 1 августига келиб, уларнинг хизматидан фойдаланаётган қишлоқ хўжалиғи корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари сони 7000 дан ошди.

Замонавий банк хизматлари ичда биринчи гада лизинг уларга қўл келмоқда. Сўнгги бир йил-

на ташкил этилди. Сифатли ун тайёрлашга ихтисослашган Сурхондарё вилоятидаги "Алпомиш", Қашқадарё вилоятидаги "Шаҳри Кеш", замонавий тегирмон жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган "Турон-Турк-Инвест", Тошкент шаҳридаги хамиртуруш ва нон сифатини яхшиловчи ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи "Non Cell" қўшма корхоналари шулар сирасига кирилади.

Жисмоний шахслар билан ишлашни ўзининг устувор вазифаларидан бири этиб белгилгани туфайли банка маблағини ишониб топшираётган омонатчилар сони, шунингдек, уларнинг маблағлари миқдори ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги Фармони билан аҳолининг бш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида тижорат банкларига берилган имтиёзлар ўз самарасини бераётди. Айни пайтда банкнинг шаҳар ва туманлар марказларида ҳамда аҳоли гавжум бўлган чекка қишлоқларда ташкил этилган 104 та жамғарма шохобчаси орқали 33200 дан ортиқ жисмоний шахсга хизмат кўрсатил-

ятди. Ҳозир бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш учун Германиянинг "Дрезднер банк"АГ, "Осиё-Инвестбанк", "Проминвест-банк"лари билан шартномалар имзолашга тараддуд қўрилмоқда.

Шунингдек, банкнинг аҳолига замон талаблари даражасида хизмат кўрсатадиган 59 та валюта айирбошлаш шохобчаси фаолият кўрсатяпти. Улар мавжуд тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда валюта айирбошлаш вазифасини бажармоқда. Молиявий хизмат турларини янада кенгайтириш мақсадида эса дунёдаги компаниялар ўртасида юқори нуфузга эга бўлган Буок Британиянинг халқаро пул ўтказишга ихтисослашган "Money Gram" компанияси билан шартнома тузилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Фақат жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида мазкур йўналишдаги операцияларнинг умумий миқдори 340,0 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Молиявий муассаса Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг "Қишлоқ хўжалиғи корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси асосида кредит маблағларини ўзлаштиришда ҳам фаол қатнашмоқда. Ҳозиргача мазкур кредит линиясининг 500,0 минг АҚШ доллари миқдоридagi биринчи кредит линияси маблағлари тўла ўзлаштирилди. Шунинг ҳисобига Тошкент вилоятининг Охангарон, Қорақалпоғистон Республикасининг Эликкальва, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Анди-

# МОЛИЯ БОЗОРИДА 10 ЙИЛ

Галла мустақиллигига эришишни бутун мамлакат миқёсида изчил ўтказилаётган кенг камровли ислохотларнинг асоси, дейиш мумкин. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида туб ўзгаришларни амалга ошириш, бошқоқли дон экинлари майдонини кескин кенгайтириш, галла етиштириш ҳажми, унинг ҳосилдорлигини кўпайтириш ва айниқса, тармоқда уруғчиликни йўлга қўйиш, дон маҳсулотларини қайта ишлаш учун янги технологияларни ўрнатиш каби бир қатор масалаларни ҳал этишни тақозо этди. Айни чоғда дон маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда галлакор ширкат ва фермер хўжаликларининг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, молия-кредит муносабатларини тақомиллаштиришга ақиндан кўмак берувчи янги молиявий муассасани очилиши ҳаётнинг ўзи талаб қиларди.

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги қарорига кўра, республика ихтисослаштирилган ақциядорлик тижорат банки — "Галлабанк" ташкил этилди. 1994 йилнинг 2 августидан унга Марказий банк томонидан 20-рақамли бош лицензия берилди. Бу воқеага ҳам қандай ўн йил тўлди.

Тарих учун қисқа бўлган ана шу даврда республикасида иқтисодий ҳаётда, хусусан, молия-кредит соҳасида амалга оширилган ислохотлар барча тижорат банклари қаторида "Галлабанк" ривожига ҳам, табиийки, ихобий таъсир қилди, унинг мамлакатимизнинг етакчи банклари қаторига қўшилишига ёрдам берди.

Маълумки, галла ва бошқоқли дон маҳсулотлари қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарига молиявий хизмат кўрсатиш "Галлабанк"нинг асосий вазифасидир. Шу мақсадда у қисқа фурсат ичда ўз миқозлари доирасини кескин кўпайтиришга эришди. Масалан, 1994 йил августда банкнинг 8 нафар ходими атиги 10 та миқозга хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, унинг тасарруфидagi 32 та филиал, 55 та минин банк, 104 та жамғарма шохобчасида 900 га яқин мутахассис самарали меҳнат қилмоқда. Улар эса 51500 дан зиёд миқозга мададкор бўлмоқдалар.

Банкнинг барқарор иш юритиши, аввало, унинг устав сармомияси миқдори, ақциядорлари таркибига бевосита боғлиқ бўлгани учун, ушбу масалага дастлабки кунданок жиддий эътибор қаратилди. Натияжада ақциядорлари сафи йилдан-йилга кенгайиб, уларнинг банк устав сармомиясидagi улуши ортиб борди. Мисол учун, 1994 йил 1 сентябрда банкнинг устав сармомия-

сида 8 та ақциядор ўзининг жами 8,0 миллион сўмлик маблағи билан иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил 1 август ҳолатига кўра, қарийб 4,7 миллиард сўмдан ошди. Мулкчиликнинг турли шаклидаги ақциядорлар билан бирга, жисмоний шахслар сифатидаги ақциядорлар сони ҳам кўпайиб, уларнинг сони 5000 дан ортди. Бу, биринчидан, банк молиявий ресурс базисининг кўпайиши таъминлаган бўлса, иккинчидан, банкка миқозлар, яъни ақциядорларнинг ишончи ошиб бораётганидан далолат беради.

Хар бир молиявий муассаса фаолиятига баҳо берилганда, албатта, унинг активлари ҳажми, таркиби ҳамда ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Шу маънода, банк томонидан иқтисодиётга кредит қўйилмалари қўйиш, кредит портфелини шакллантириш ва умуман, активларини кўпайтиришда унинг "Кредит сиёсати", "Фоиғ сиёсати", "Инвестиция сиёсати" муҳим аҳамият касб этапти. Уларга мубофиқ, миқозларга кредит, факторинг, лизинг хизмати кўрсатиш аниқ дастур асосида олиб борилапти. Бунда банк нафақат ўз активлари ҳажмини кўпайтириш, балки активлар таркибига даромад келтирувчи қисмининг барқарор ошириб бориш, уларни миқозларнинг мулкчилик шаклидан, асосий кредитларнинг муддатларидан келиб чиқиб диверсификациялаш, нафақат активларини шакллантиришнинг аънаваний кредитлаш туридан, балки замонавий усуллардан, хусусан, лизинг, факторинг, синдициялашган кредитлаш каби усулларидан фойдаланишга устуворлик берилмоқда. Натияжада йилдан-йилга банк активларининг барқарор ўсиши таъминланаётди. Хусусан, 1994 йилда активлар миқдори 100 миллион сўм бўлган бўлса, жорий йилнинг 1 августига келиб, бу кўрсаткич 108 миллиард сўмга етди. Биргина кредитлар сифатидаги қўйилмалар ҳажми 60,2 миллиард сўмдан ошди. Шу йилнинг ўтган етти ойи давомида эса қўшимча молиявий маблағларга эҳтиёжман бўлган қарийб 5200 миқозга — турли мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик субъектларига 19,3 миллиард сўмдан зиёд кредит берилди. Жумладан, "Фарғонадонмаҳсулотлари", "Хоразмдонмаҳсулотлари" ақциядорлик корхоналарига бугундйин қайта ишловчи замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни тўла таъмирлаш мақсадида маблағлар ажратилган эди. Бугунги кунда бу жойларда иш якуини босқичга кирди. Утган йиллар мобайнида, шунингдек, банк кредитлари ёрдамида "Шўричидонмаҳсулотлари", "Анди-

жондонмаҳсулотлари", "Намангандонмаҳсулотлари", "Яккабоғдонмаҳсулотлари" каби йирик корхоналар ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу сифатли ун, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларини вужудга келтири.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда банк миқозларнинг 40 фоизга яқини, яъни қарийб 20 мингтаси айнан тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан иборат. Уларга кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, хизмат сифатини янада юксалтириш, миқозлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни кўпайтиришда янги технологияларни қўллаш гоат зарур. Бу масала ҳам банк жамоаси эътиборида турибди.

Шу билан бирга, "Галлабанк" ҳукумат дастури асосида амалга оширилаётган иқтисодиётнинг хусусий секторини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларини ролинини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, банкда "Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси" ташкил этилиб, унинг 2974,5 миллион сўм миқдордаги маблағи ҳисобига тадбиркорларнинг асосий лойиҳалари молиялаштирилди. Самарқанд вилоятида консерва маҳсулотлари таёрлаш учун "САЗ ТИБ" хусусий фирмасига, Жиззах вилоятида зардўзлик маҳсулотларини тиклишни йўлга қўйиш учун "Гулнора-Зардўз" хусусий фирмасига, Сурхондарё вилоятида мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун "Сардор-Файз" ху-

дан ортиқроқ муддат мсобайнида мазкур йўналишда 410,0 млн. сўмликдан зиёд 24 та лойиҳа молиялаштирилгани бунга мисол бўла олади. Пировардида Қашқадарё вилоятидаги Ж. Миҳлиев номли ширкат хўжалиғи, Қорақалпоғистон Республикасидаги "Душон" ва "Феруза охун" фермер хўжаликлари, Фарғона вилоятидаги "Ойбек" хусусий корхонаси, Хоразм вилоятидаги "Сирожиддин", "Истиқбол" фермер хўжаликлари ана шу усул ёрдамида янги техника ва технологияларга эга бўлди.

Банк ўтган даврда, шунингдек, дон маҳсулотлари корхоналари билан галлакор хўжаликлари, фермерлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, галла етиштиришнинг молиялаштиришнинг замонавий усулларини амалиётга таъбиқ этиш, уруғчиликни ривожлантириш, соҳа корхоналари ва кичик бизнес субъектларининг қўшимча молиявий маблағларга бўлиб қўйилган қисқа муддатли ва 32 448,4 миллион сўми ўрта ва узок муддатли кредитлардан иборат.

## Муҳим саналар

Айни пайтда банкнинг устав капиталли 4 711,8 миллион сўмга, ақциядорлар сони эса 5 263 тага етди.

Банк активлари 107 775,1 миллион сўми, капиталли 15 259,6 миллион сўмга тенг.

Жами кредит қуйилмалари 62 142,8 миллион сўми ташкил этиб, унинг 29 358,2 миллион сўми қисқа муддатли ва 32 448,4 миллион сўми ўрта ва узок муддатли кредитлардан иборат.

Умумий миқозлар сони 51 573 тадан зиёд.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 5 868,3 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Турли қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестиция қўйилмаси жами 300 миллион сўмдан иборатдир.

Банкдаги жами валюта қолдиги 2 713,1 минг АҚШ долларини, рўйхатга олинган хорижий контрактларнинг умумий миқдори 91 674,3 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Жалб этилган аҳолининг бш пул маблағлари қолдиги — 5678,9 миллион сўм. Ҳозир 10 та омонат тури жорий этилган.

Филиаллари сони 32 та, минин банклар сони 55 та, валюта айирбошлаш шохобчалари сони 59 та, жамғарма шохобчалари сони эса 104 тадир.

2003 йил ва жорий йилнинг олти ойлик якунлари бўйича "Ахбор-рейтинг" компанияси ўтказган рейтингда биринчи ўринни олди.

Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан "Қишлоқ хўжалиғи корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси"нинг биринчи босқичида 500 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди. Иккинчи босқичда 600 минг АҚШ доллари миқдордаги маблағ ўзлаштирилмоқда.


Банклараро тўлов интизомини янада тақомиллаштириш мақсадида ягона вакиллик ҳисоб рақамига ўтилган.

Миқозлар учун "Money Gram" халқаро пул ўтказиш хизмат тури йўлга қўйилган.

Банк томонидан жами 95 миллион сўмлик омонат ва 20 миллиард сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

Банк ақциялари "Тошкент" республика Фонд биржасида жорий этилган лизинг бўйича "А" гуруҳига киритилган.

Қимматли қоғозлар бозоридagi фаолиятини, миқозларга кўрсатилаётган хизмат турлари кўламинини кенгайтириш, ақциядорлар рўйхатини юритиш ва депозитария фаолияти бўйича хизмат кўрсатувчи "Прогноз Плюс" шўъба корхонаси ташкил этилди.



моқда. "Капитал", "Олтин бошқ", "Меҳрибонлик" каби янги омонат турлари жорий этилган ҳамда уларнинг қулайлиғи натижасида омонатлар қолдиги ҳам йил сайин ўсмақда. 2004 йил 1 август ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич 5676,9 миллион сўми ташкил этди.

Президентимизнинг 2002 йил 31 мартдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги қарорига кўра, банк томонидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни тақомиллаштириш мақсадида пластик қарточкалар бўйича хизмат кўрсатадиган 3 та шохобча очилган эди. Утган даврда уларда 100 миллион сўмликдан ортиқ банк операциялари амалга оширилди.

Шу билан бирга, банк ўз фаолияти давомида республикамиз қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Бу борада аниқ ҳисоб-китоблар асосида олиб борилаётган эмиссион сиёсат ўз самарасини бермоқда. Жисмоний шахслар учун жами 950 миллион сўмлик омонат сертификатлари ва юридик шахслар учун 10 миллион сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

Кейинги йилларда банк инвестиция сиёсатини мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган ривожланиш дастури асосида олиб бораётгани ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Инвестиция қўйилмалари қисқа муддатда 178,6 миллион сўмлик корпоратив ақциялар сифатида шаклланигани, инвестиция қўйилмалари бўйича олинган жами даромад эса 173,6 миллион сўмин ташкил қилгани бунинг далилидир.

Миқозларга депозитария фаолияти бўйича яқиндан кўмак бериш ва ақциядорлар рўйхатини юритиш юзасидан кенг миқёсда хизмат кўрсатувчи "Prognoz Plus" шўъба корхонаси ишга туширилгани, айниқса муҳим воқеа бўлди. Халқаро ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда банкнинг фаол иштироки унинг ташқи савдо фаолиятида хорижий ҳамкорлар билан яқин алоқа ўрнатишида қўл келмоқда. Натияжада унинг мазкур соҳадagi миқозлари сони икки баравар, уларга кўрсатилаётган экспорт-импорт операциялари ҳамми эса 10 марта кўпайди. Банкнинг хорижий валюталардаги активлари 2002 йилдагига нисбатан 10 баравар, жалб этилган валюта маблағлари ҳажми эса саккиз баравар ортди.

Германиянинг "Commerzbank", Голландиянинг "ABN AMRO Bank" каби дунёнинг етакчи банкларида очилган вакиллик ҳисобоварлари ҳақонинг деярли барча давлатлари билан тўғридан-тўғри ўзаро ҳисоб-китоб қилиш имконини

жон вилоятининг Марҳамат туманларидаги фермер хўжалиқларига техника, бутловчи эҳтиёт қисмлар ҳамда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарга технологиялар ускуналар олиб берилди. Айни кунларда ана шу банк кредит линиясининг иккинчи босқичи бўйича маблағларни ўзлаштириш борасида иш олиб боришмоқда.

2004 — йил — "Меҳр ва муруват йили" муносабати билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига амалий ёрдам бериш мақсадида эса "Экссан" халқаро жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармасига, Н.Хлебшунча нонимдаги 22-болалар уйига, Тошкент, Сирдарё, Андижон шаҳарларидagi ногирон болалар уйларидаги тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Банкда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам эътиборда. Бугунги кунда 107 нафар ходим республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртида таълим олмақда. Банкнинг 14 раҳбар ходими Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академиясини, 16 ходими Банк-муолия академиясини битирган бўлса, Германия, Дания, Греция каби хорижий давлатларнинг тижорат банклари, молия институтлари ташкил этган курсларда кўплаб мутахассислари малака ошириб қайтишди.

Мамлакатимизда йирик универсал банк маконига эга бўлган "Галлабанк" банклараро "Ахбор-рейтинг" компанияси томонидан ўтказилаётган рейтингларда ҳам доимий қатнашиб, даромадлиги, капиталининг етарлилиги ва бажариладиган ишлари ҳажми каби кўрсаткичлар бўйича эришган яхши натижаларига кўра, молиявий муассасалар орасида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Масалан, ўтган йил якунлари бўйича у банклараро рейтингда фахрли биринчи ўринни олди. Жамонинг қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги фаол иштироки ҳам халқаро миқёсда юқори баҳоланмоқда. 2003 йил 27 - 29 апрель кунлари Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида Маркетинг тадқиқотлари бўйича Европа Маркази томонидан ўтказилган "Агробизнес — 2003" танловига банкка глобллик совғаси ва фахрий диплом топширилди.

Бир сўз билан айтганда, йирик молиявий муассасалардан бири ҳисобланган "Галлабанк" ўзи миқозларига ҳақон андозалари талаблари даражасида хизмат кўрсатиш билан бирга, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам фаол иштирок этиб, иқтисодиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Банкнинг матбуот хизмати.



# Гўзалликка ошуфта қалблар

Инсоният гўзаллик налигини англаб, унинг қадрига ета бошлаган даврлардан бошлаб то ҳозирги тезкор асрагача ўтган вақт мобайнида дунёда қанчадан-қанча беназир мусаввирлар ижод қилиб ўтишган. Улар, ҳоҳ гор деворларига чала ёнган сўхталар билан кийик ёки мамонт суратини чизиб, ибтидоий рассом бўлиши, ҳоҳ хайратомуз ажиб асарлари билан ақллари дол қолдирган Уйғониб даврининг буюк мусаввирлари бўлиши, ҳар бири нафақат бирон нарсани тасвирлашга, балки асар ёрдамида ўз фикрини, дунёқарашини ўқитишга муваффақ бўлган.

Бир тасаввур қилинган, мусаввир мўйқалами сирли ҳаракат қилади-ю, шу онда мўйқиза юз беради — ҳозиргина оппоқ бўлган матодан сизга тирик инсон боқиб туради. — дейди танили график-рассом Галина Ли. — Манави суратга қарагангиз, юзлари лўпигининга, кўзлари коп-кора болакайнинг бошида шахзодаларнинг сингари тож. Чунки у тили чиққанидан бери «Мен — шахзодаман» дейишни яхши кўради. Шахзода-болакай қоятошга қизил бўёқда сурат чизаяпти. Қоятош — мангулик рамзи, қизил ранг эса — ҳаёт тимсоли. Суратда болакай онасини тасвирляпти. Онасининг ёнида ўзи ҳам бор. Қоятош устида эса фаришта турибди. Бу фаришта доим эзгу ниятларга йўлдош бўлади, онасининг ҳимоячиси, суянган тоғи бўлмиш ўғилларни қўриқлаб юради...

Биз эса жўшиб, илхомланиб сўзлаётган Галина Ли эмас, балки суратдаги эзгу ниятларнинг рамзи — оппоқ гуллар орасида ўтирган болакай боқаварамиз ва пок кўнглили болакайни беҳиштер яхши кўриб қоламиз. Дунёда она борки, шу болакай тимсолида ўз ўғлини кўриши, табиий. Ва ранг-тасвирнинг кучи, қудрати ҳам мана шунда. У турли ирк ва динга мансуб, бир-бирига ўхшамаган тилларда сўзлашувчи етти ёт бегона инсонларнинг барида бир хил ҳиссиёт уйғотади, уларни руҳан яқинлаштиради, бир хил ўйлашга мажбур қилади. Санъат асарларини тушунтириш учун тилмочнинг ҳождати йўқ. Унинг тили барча инсонлар учун баравар тушунарлидир.

Ажойиб асарлари билан диққатимизни тортган Галина Ли узок йиллар давомида республика рассомчилик коллежиде даср берган. Аммо билларга тасвирий санъат сирларини ўргатиш асосида ижоддан тўхтамади: ранг-тасвир, портрет услубида ишлади, натюрморлар яратди, журналлар билан ҳамкорлик қилди, ўнлаб эртак китобларини безатди. У эртакларга расм чизитишни яхши кўради. Институтни битираётганида ҳам диплом иши сифатида «Олтин қалитча» эртакларга расм ишлаганди. Эртак қахрамонлари сиймосида эса кўпинча Галина Ли атрофидаги инсонларни таниб қоламиз: шаддод қарга тимсолида киминдир қуроқ, айёр тунки ва очкўз ўрғимчак яна бошқа бировни эслатади.

— Гўзалликка иштиёқ отамдан ўтган, — дея ҳикоя қилади Галина Ли. — Отам

Габдулла Сулаймонов геолог эдилар. Кўпинча ишдан қайтиб келганларида асрий муз салла ураган чўққилар узра бир думалаб балқийдиган кўш, иссиқ-совуқни писанд қилмай гўрдайиб турадиган матонатли арчалар, тошлар арҳаёт кечирадиган тоғ жониворларининг турмуш-турмуши ҳақида ҳикоя қилиб берадилар, мен эса уларни қозғога туширишга уриндим. Умрининг сўнгги кунларида, саратон хаста-

## Санъат

лигига йўлиққан отам кейинги кўклами кўришдан умидини узиб, келинчакдек безанган табиятга чанқоқлик билан тикилардилар. Бир кунни тўсатдан ховлидан отамнинг «Бу гўзалликни қараңглар-а!» деган хайкириги янгради. Онам икковимиз уйдан югуриб чиқдик. Ажабо, ховлида ҳеч ким йўқ эди. Унда отамнинг овози қаердан келяпти? Шунда ажиб манзарага кўзим тушди: нарсон қўйиб, қийос гуллаган беҳи дарактининг устига чиқиб олган отам нимпушти гулларга мейр тўла кўзларини тиккан... Гўё уларни сўнгги бор кўраётганини сезгандек, гулларнинг малохатини қорачикларига муҳрлаб олмоқчи-дек... Кейин шу хотира асосида «Баҳор» номли сурат чиздим ва унда беҳи гуллари орасида ўтирган отамни тасвирладим.

Галина Лининг турмуш ўртоғи Александр Ли ҳам танили график-рассом бўлиб, уларнинг 7 нафар рассомдан иборат сулола ни ташкил этувчи оиласи Ўзбекистон бадиий санъати оламида ўзига хос ўрин эгаллайди. Александр Ли графика санъатида донг тартибига қолмай, узок йиллар давомида республика рассомчилик коллежиде даср берган. Аммо билларга тасвирий санъат сирларини ўргатиш асосида ижоддан тўхтамади: ранг-тасвир, портрет услубида ишлади, натюрморлар яратди, журналлар билан ҳамкорлик қилди, ўнлаб эртак китобларини безатди. У эртакларга расм чизитишни яхши кўради. Институтни битираётганида ҳам диплом иши сифатида «Олтин қалитча» эртакларга расм ишлаганди. Эртак қахрамонлари сиймосида эса кўпинча Галина Ли атрофидаги инсонларни таниб қоламиз: шаддод қарга тимсолида киминдир қуроқ, айёр тунки ва очкўз ўрғимчак яна бошқа бировни эслатади.

— Гўзалликка иштиёқ отамдан ўтган, — дея ҳикоя қилади Галина Ли. — Отам

Оиладаги ижодий муҳит, ота-онасидан мерос қолган гўзалликни севиш ҳисси уларнинг қизлари Татьяна билан Мариянинг рангларнинг гўзал оламида қолиб кетишларига ҳам сабабчи бўлгандир балки? Нима бўлганда ҳам уларнинг иккови рангтасвир услубида ижод қилишди. Фақат Татьяна кўпроқ йўллар, дараклар ва уларни чизишни ёқтиради. Унинг фикрича, бири иккинчисига бориб уланадиган йўллар дўненинг барҳаётлигини, дараклар ҳаётнинг абадийлигини, улар эса инсоннинг бошланаси доим мавжуд эканлигининг рамайдир. Мария эса ҳаётга эртакона кўз билан боқиб, қахрамонларини афсонавор гўзалликка буркашни маъқул кўради. Онасидан ўтган эртакларга ишқибозлик, бунинг устига, саҳна рассоми мутахассислиги бўйича ўқигани бунга сабаб бўлса керак.

Татьянанинг турмуш ўртоғи Александр Дончерович Ли ҳам график-рассом. У теварак-атрофдаги ҳодисаларга бефарқ бўлма-са-да, кўпроқ ҳаётларга эрк беришни, рамзий ифодаларни ёқтиради. Шу билан бирга, у офорт услубининг устаси бўлиб, ўзининг ноёб мутахассислиги бўйича Камолиддин Бехзод номидаги миллий санъат ва дизайн институтида даср беради.

Гўзаллик яратишга ишқибозлик сулола давомчилари — Татьянанинг ўғли Георгий ва Мариянинг ўғли Соғайдаги тўғма қобилиятининг эрта намён бўлишига замин ҳозирлаган бўлса ажаб эмаски, болакайлар ҳам рассом бўлишни орзу қилишди. Георгий философия мушоахадани ёқтиради, ҳазилкаш Соғай эса қўлига мўйқалам тутганида шунангани жиддийлашиб кетади-ки!

Санъат асарлари бизни оламга мусаввирнинг теран нигоҳи ила боқибди, биз учун қундалик кўришига айланиб қолган манзаралардан бир олам гўзаллик топиб, улардан завқланишга ўргатади. Мусаввирнинг машаққатли меҳнати натижасида дунёга келувчи бадиий асар ўз муаллифининг ички дўниси, дунёқараши, бадиий салоҳиятига монанд равишда баъзан мураккаб, баъзан соддарок бўлади, томошабинни ўйлашга мажбур қилади, ҳиссиётлар гирдобига тортиб кетади.

Дарвоқе, Шарқда 7 рақами хосиятли саналади. Етти нафар рассом ижод қилаётган Ли сулоласи эса узок йиллардан бери Ўзбекистон бадиий санъати ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ижодкорлар яратган санъат асарлари қаршида ҳатто вақт ҳам маъҳ бўлгандек, гўё. Ва бу асарлар худди афсонавий вақт машинаси сингари турли даврларни — ўтмиш ва келажакни бирлаштириб туради.

Муҳаббат Йўлдошева.

## «Ўзуйжойжамғармабанк»

Хурматли юртдошлар!

Сизларни яқинлашиб келаётган мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами билан табриқлаб, йиллик 40 фоиз устама тўланадиган бир ойлик «Шодлик» омонат турини таклиф этади.

Ушбу омонат 20 августдан 31 августгача қабул қилинади.

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг республикадаги барча жамғарма кассалари Сизнинг хизматингизда.

## «Энг ёш ҳаваскор сурнайчи»

Тошкент шаҳридаги Фафур Гулом номли истироҳат боғида «Сурнай сирхи» республика кўрик-танловининг яқиний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Маданият ишлари вазирлиги, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилди.

Мамлакатимизда биринчи бор ҳаваскор сурнайчилар ўртасида ўтказилаётган ушбу танловда иштирокчилар сурнайда эркин мавзуда ўзлари яратган мавзуда турли йўналишда ижро этишлари лозим эди. Танловда ўттизга яқин сурнайчилар «Энг яхши ҳаваскор сурнайчи» голиблиги учун беллашдилар. Голиблар ҳомилар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

## Болаларга ватанхўрлик

Хоразм вилояти «Матлуботсавдо» худудий акциядорлик компанияси раҳбарияти Янгиерга, Янгибозор, Урганч туманларида янги ўқув йили олдидан мактаб ошоналари ишини ташкил этиш, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига бағишланган кўргазмалар семинар ўтказди. Семинар қатнашчилари туманлардаги мактаб ошоналарининг аҳволи билан танишдилар. Мактаб ўқувчиларига етказиб бериладиган озиқ-ов-

қатлар, уларнинг таннархи масаласида келишиб олдлар. Ҳар бир туманда умумий овқатланиш шўба корхоналари қошида нонушта марказлари ташкил этилиб, мактаб ошоналарига тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, масаллиқлар етказиб бериш учун автомашиналар ажратилгани семинарда таъкидлаб ўтилди.

Янги ўқув йилидан бошлалар вилоятдаги 537 та мактабда ошоналар узлуксиз ишлаб бошлайди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Жаҳон спорти

Спортга зиг ҳаракат учун

УЕФАнинг Назорат-интизом идораси «Глазго Рейнджерс» клуби ярим йомячиси Алекс Рейни беш йўнандан четлатди.

Футбол уюшмасининг бундай қарорга келишига Рейнинг 10 август кун Чампионлар лигаси саралаш мусобақаларида «Рейнджерс» ва Моссқвоннинг ЦСКА клублари ўртасида кечган беллашувда спортга хилоф ҳаракати сабаб бўлди.

Назорат идораси йўнандан кейин видеотасмани ўрганиб чиқиб, Рей ЦСКА ҳужумчиси Сергей Далунинг бошига оёғи билан атайлаб тепганини аниқлади ва ана шундай қарор қабул қилди.

Раҳмон Холифилд билан беллашмоқчи

Машҳур боксчи Ҳосим Раҳмоннинг вакиллари Эвандер Холифилд билан яна бир бор учрашиш



бўйича музокаралар олиб боришмоқда. Агар музокаралар муваффақиятли кечса, икки боксчи шу йилнинг ноябрида рингда учрашишлари мумкин. Таҳминларга кўра, ушбу беллашув голиби кейинчалик бир неча йўналишлар бўйича камар соҳиби Донг Кинг билан жангга чиқади.

Хусусий лига ташкил этилмоқда

Миллий хоккей лигаси йўнчилари хусусий лига ташкил қилишга киришишди. У «Ҳақиқий хоккей



юдузлари» деб номланиши баҳорат қилинапти.

Янги лигага 76 йўнчи кириди ва улар 6 жамоага бўлинишади. Жамоалар олти шаҳар, яъни Тортонто, Монреал, Бостон, Детройт, Нью-Йорк ва Чикаго номларини олишади.

Лига йўнчилари одатдагидан фарқ қилади. Майдонга 4 хоккейчи ва бир нафар дарвозабон чиқади, даврлар эса 17 дақиқадан бўлиб ўтади.

Агар МХЛ ва йўнчилар қасаба уюшмаси кўмитаси бирон-бир бошқа келишувга эришмаса, янги лига мусобақалари 18 сентябрда бошланади.

### «ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

## ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну (без НДС) сум.
Цены действительны по 07.09.2004 г.	
<b>ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:</b>	
ДУ 15х2,8 мм	899000
ДУ 65х4,0 мм	849000
ДУ 80х3,5-4,0 мм	849000
ДУ 100х4,5-5,0 мм	849000
<b>ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:</b>	
76х3,5 мм	849000
89х4,0-5,0 мм	849000
108х3,5-5,0 мм	849000

Трубы водогазопроводные ГОСТ 3262-75, ДУ 15,20,25,32,40,50 мм поступят на склад в г.Ташкент после 20.08.2004 г.

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Камениск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.  
E-mail: uzkommashta@tkr.uz  
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Нийёзбек йўли, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлойдха».

### O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

### ТИББИЁТ-САНИТАРИЯ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

## 1-сонли Марказий поликлиника

қуйидаги тиббий хизматларни кўрсатади:

- ҳар хил касалликлар бўйича мутахассисларнинг ўйдоғи кўриши;
- ЭКГ ва УПТ муолажаларини ўйдоғи амалга ошириш;
- клиник-биохимик таҳлилларни ўйдоғи бажариш;
- физиотерапевтик муолажалар;
- 061 телефони бўйича тез тиббий ёрдам.

Тел.: 136-00-32, 133-19-03.  
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 67-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси академиянинг «Иқтисодий фанлар» кафедраси муdiri, иқтисод фанлари доктори, профессор Тоҳир Ақромовга отаси

Омон бува АҚРОМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси иқтидорли талабалар ва магистрантлар факультети декани Гулчехра Турсуновага отаси

Ҳожиакбар КАМОЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳор этади.

### Халқ сўзи

## Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва аборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма 1—968, 2129 ихсонда босилган, ҳажми — 2 тираж, Offset усулида босилган.

Қозғ бичими А-2

Газета ИВМ компьютеризация тизимида операторлар Жамшед Тоғиев ва Баҳром Фазлиев томонидан сўхтилган.

Тахриратда ҳажми 5 қороздан зил материаллар қабул қилинмайди.

П-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.

Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.

Навбатчи — Х. Раунов.

Мусаххачи — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲА яқини — 21.00 Топширилди — 21.10 23456